



*Ш*обиб ВАЛИ

1965 йили тугилган.
Самарқанд давлат
университетини
тамомлаган. “Пахса
қишилогим”, “Минг ик-
кинги кета”, “Сукунат
мұлқи”, “Аскар кунда-
лиғи” номли насырй
ва шеърий түпнамалар
муаллифи.

Soyam meni yo'lga **boshlardi...**

*Ж*УМАН

Бир осмон
Нам түшак,
Бўрқистар нам пар.
Кўтарилар илоҳий кўрпа...
Нилий девордан
Ошиб тушар
Регистоннинг
Угинги шери.

*К*ИШКИ САМАРҚАНД

Регистоннинг томидаги қор
Бунга гўзал, бунга сервиқор;
Гўё оппоқ салла ўраган
Тарих отли кекса оқсоқол.

Руҳободнинг оппоқ гумбази,
Момом айтган аллага ўхшар.
Жаранглайди кумуш овози,
На унутиб, на эслаб бўлар.

Килиг мисол ялтирайди қиши,
Гўр Амирнинг тарновларида.
Тўрт томонда тўртта Алномииш
Тиг тутгандек бедовларида.

Кетиб қолган баҳши бобомлар,
Регистоннинг миёнасидан.
Қантар оғса, балки қайтарлар,
Офтоб тегиб пешонасидан.

ЛИРИКА

Бир құр ошдим – ястанғанды түн –
Мен йүқөлгән күйім излардим.
Вужудимдан үн карра узун
Соям мени йүлга бошларди...

Бир сир күрдим Ҳазрат Довуднинг
Нурға түлгән пок горларидан.
Изларини күрдим умиднинг
Харсанг горнинг деворларидан.

Жарангларди бир нұрлы овоз,
Тараларди овозки нұрлы,
Зүр қоялар тинглашарди гоз
Ажыб борлық ажыб ҳам сирли.

Мағрур тоғлар, дайди шамолнинг
Қотған әди ғатоқ рухлари.
Чизилганди расми хаёлнинг
Муаллифин күрмас күзларим.

Мен англадим ўшанда бирдан,
Қидириб борғаним жонлиқмас...
Күзим гавҳарини зулматта түкдим
Мангу бир васлға ошно бўлгани!

Юрагимни мой босмииш зимдан
Шууримни қопламиши туман.
Чиқолмайман шаҳри азимдан
Ўксир мендан узоқ бир туман.

Ҳар шанбада ерлар музгалоқ,
Ҳар якшанба тугар хотиним.
Ҳар душанба ишда иш ғатоқ,
Бошқа кунлар “портлар” мошиним.

Семираман гүшти қабондан,
Шундан ит гүшт құламан газак.
Нусха олиб ажыб замондан,
Телевизордек түқийман эртак.

Сүңг ўқийман секин, иғимда,
Ҳар бир мисра гекади ёху.
Юрагимни мой босар тиндан,
Кўзларимни элитар уйқу.

Хиәнат күйдириб алданған ишқни,
Ортмоқлаб сүзади елкансиз кема,
Жиққа ҳўл туйғулар нам юхонада
Борар, индама...

Уттар-да бу улкан сувда бандаргоҳ,
Тўхттар-да бирор кун тинимсиз оқим...
Тўхта, деб аллаким қиласи огоҳ,
Кетдик, деб этагим тортар аллаким.

Бу гексиз кенглиқдир, мовий сарҳаддир,
Сўнгига етмассан, қанга ўлгама.
Бу энг улкан денгиз – тўнг муҳаббатдир,
Сўзмоқда кема,
Сузмоқда кема,
Сузар, индама.

ТАСКИН

Яна улгурмадик, яна қор ёғди,
Яна ҳисларимни қоплади туман.
Яна кунтарози тунларга оғди,
Айтмоқ сўзларимни бўғди Ёсуман!

На севги, на соқи беролмас таскин.
Вужудни ларзага солади оғриқ,
Дўстлар тарқ этади, билдиримай секин,
Хира могорлайди меҳрсиз борлық.

... Ҳали кўп вақтим бор, умидим бисёр:
Не-не йўқотишга бардош беролдим.
Бизга нима бўпти, ахир, совук қор,
Ҳали кўп қорларни кўрамиз, қалбим.

